

ЁШЛАР ОРАСИДА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ РАДИКАЛИЗМ ҲАМДА АҚИДАПАРАСТЛИК РУҲИДАГИ ҒОЯЛАР ТАРҚАЛИШИНING ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Жамолов Хамза Мухаммадиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими

Аннотация. Мақолада ёшлар орасида интернет технологиялари орқали радикализм ва ақидапарастлик руҳидаги ғоялар тарқалишининг тенденциялари, ёшларни ватанпарварлик ғоялари руҳида тарбиялашнинг зарурати, ёшлар дунёқарашининг шаклланиши ва ўзига ҳослиги, ватанпарварликнинг қадрият сифатида инсон тақдирига таъсири, бу борада илғор хорижий давлатлар тажрибаси, замонавий ёндашув ва қарашларнинг асосий жиҳатлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Ёшлар, интернет технологиялари, радикализм, ақидапарастлик, терроризм, экстремизм, тараққиёт, барқарорлик, ватанпарварлик, қадрият, ифтихор, шон-шараф, иймон, фидойилик, оила, бурч, масъулият, давлат, жамият.

ТЕНДЕНЦИИ РАСПРОСТРАНЕНИЯ РАДИКАЛИЗМА И ИДЕОЛОГИЧЕСКИХ ИДЕЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ ЧЕРЕЗ ИНТЕРНЕТ- ТЕХНОЛОГИИ

Аннотация. В статье анализируются тенденции распространения идей в духе радикализма и фанатизма среди молодежи посредством интернет-технологий, необходимость воспитания молодежи в духе патриотизма, формирование и своеобразие мировоззрения молодежи, влияние патриотизм как ценность человеческой судьбы, опыт передовых зарубежных стран в этом отношении, основные аспекты современных подходов и взглядов.

Ключевые слова: Молодежь, интернет-технологии, радикализм, фанатизм, терроризм, экстремизм, развитие, стабильность, патриотизм, ценности, гордость, слава, вера, жертвенность, семья, долг, ответственность, государство, общество.

TENDENCIES OF THE SPREAD OF RADICALISM AND IDEOLOGICAL IDEAS AMONG YOUTH THROUGH INTERNET TECHNOLOGIES

Annotation. The article analyzes the trends of the spread of ideas in the spirit of radicalism and fanaticism among young people through Internet technologies, the need to educate young people in the spirit of patriotism, the formation and uniqueness of the worldview of young people, the influence of patriotism as a value on human destiny, the experience of advanced foreign countries in this regard, the main aspects of modern approaches and views. .

Key words: Youth, internet technology, radicalism, fanaticism, terrorism, extremism, development, stability, patriotism, value, pride, glory, faith, sacrifice, family, duty, responsibility, state, society.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради. Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Ҳалқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади” деб ҳисоблайман. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир деб баён қилган эдилар. Тадқиқот олиб борилаётган мавзу юзасидан, қонунчиликда

кўрсатиб ўтилган атамаларни санаб ўтадиган бўлсак, уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин.

Экстремизм – ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси[1].

Терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига ҳавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахснинг бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, ҳавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб ифвогарликлар қилишга, аҳолини кўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар[2] деб кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровон турмуш кечиришлари йўлида улкан ислохотлар амалга оширилиб келинаётганлиги, уларни ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинаётганлиги, жумладан ҳар йили 30 июнь куни юртимизда “Ёшлар куни” байрам сифатида нишонлаш йўлга қўйилганлигини ёшларга нисбатан олиб борилаётган сиёсат барча соҳалардан олдинда эканлигини айтиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир[3].

Хозирги вақтда турли кўриниш ва шакллардаги маънавий таҳдидлар, асосан, ёш авлодга қаратилганлиги, асосий сабаби эса ёшларнинг жамиятдаги энг фаол

катлам экани, турли ғоялар, таъсирларга берилувчанлиги билан изоҳланади. Айни вақтда ёшлар онгини эгаллаш ҳар қандай мафкуравий куч учун стратегик аҳамиятга эга эканлиги, мамлакатнинг истиқболи, эртанги кунга ишончи айнан ёшларнинг эҳтиёжи, манфаатлари ва улардан келиб чиқувчи мақсадлари билан белгиланади. Шу сабабли ҳам бугунги кунда ёшларимизнинг қалби ва онгида ахборотларни саралай олиш, оқни қорадан ажрата билиш иммунитетини тарбиялаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Яна шуни қайд этиб ўтиш керакки, президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ёшларни тарбиялаш халқни тарбиялаш деганидир» ҳозирги кунда ушбу шиор остида ёшларимиз ўз ҳаёти, ўз тақдирини янги Ўзбекистон билан чамбарчас боғламоқда. Янги Ўзбекистон барча соҳалардаги эришаётган ютуқларидан фахрланиш хисси билан яшамоқда, юртимизнинг шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бормоқда, ишлаб чиқариш ва саноат жадал суръатларда ривожланмоқда, унинг таркиби тубдан янгиланмоқда[5]

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар ёшларимизга янада катта куч ва мадад бермоқда. Дунёдаги тенгдошлари орасида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган имкониятлар ва шароитлар яратилганлигини ёшларимиз чуқур англаб етишларини мақсадга мувофиқ деб билар эдик.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, 2017 йилнинг 19 сентябрь куни БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, дунё аҳлини қуйидаги ўта долзарб масалаларга қаратди:

а) дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани.

б) терроризмга қарши кураш асосан куч ишлатиш йўли билан амалга ошириляётгани ва бу кураш усули ўзини оқламаётганлиги.

в) кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётгани.

г) халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этиши.

д) одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги.

е) экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилиши.

ж) бугунги дунё ёшлари – сон жихатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлодлиги, улар 2 миллиард кишини ташкил этиши.

з) сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқлиги.

и) бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш[6].

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатимиз ёшларининг жамият ва давлат олдида тутган ўрни, жамият ва давлати олдида қўйилган мақсад ва вазифалар миқёси ва даражасидан келиб чиқишлиги, ёшлар орасида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишларда, уларнинг онгида деструктив ғоявий таъсирларга қарши иммунитетни шакллантиришда, уларнинг социал-демографик, психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш, минтақа ва умуман дунёдаги беқарор вазиятнинг мураккаблигига қарамай, мамлакатимизнинг янги ислохотлар ҳамда ривожланиш даврида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг умумий раҳбарликлари остида амалга оширилиб келинаётган одилona ички ва ташқи сиёсат ҳамда меҳнаткаш ва удабурон халқимизнинг кучли иродаси, меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги, маърифатпарварлиги туфайли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланаётганлигини мамнуният билан тан олиш зарурдир[7].

Охири вақтларда бутун дунёда содир этилаётган террористик ҳаракатлар давлат органлари, харбийлар, ҳуқуқ-тартибот органларининг идораларига ёки

душман объектларига нисбатан содир этилмасдан, балки давлатларда табиий ва техноген кўринишда хуружларнинг содир этилаётганлиги, жумладан катта-катта корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар кўп тўпланадиган объектларда ёнгин содир этилганлиги ёки умумий заҳарланишлар кўринишидаги террористик хуружларни содир этаётганларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётганликлари аниқланган.

Бунга сабаб эса ёшлар ишонувчанликлари, амалга ошираётган ҳатти-ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб етмаётганликлари сабаб сифатида кўрсатсак бўлади.

Бугунги кунда дунёдаги бузғунчи экстремистик ва террористик ташкилотларнинг ғоявий раҳнамолари томонидан интернет ижтимоий тармоқлари орқали Марказий Осиё давлатларидаги аҳолининг 18-30-ёш бўлган қатламлари орасида исломлаштириш ва радикаллаштириш жараёнларини сезиларли даражада кучайтириш мақсадида фаол ёллаш ишларини амалга ошириб келаётганликлари, ўз мақсадларга эришиш йўлида қуйидаги ишларни амалга ошириб келаётганликларини кузатишимиз мумкин:

- миллий, ирқий, этник ва диний адоватларни кўзғатиш;
- фуқароларни тўғридан-тўғри ва масофадан (интернет тармоғи орқали) ғоявий ишловдан ўтказиш.
- террористнинг ижобий образини яратиш.
- моддий қизиқтириш.
- мамлакатнинг ижтимоий кичик муаммоларини бўрттириб кўрсатиш орқали давлатга ишончсизликни шакллантириш.
- ўзлари томонидан шарҳлаб ўтилаётган Ислом ва шариат қоидаларини илгари суриш[8].

Мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларимизнинг экстремистик ва террористик ташкилотлар ҳамда оқимларнинг таъсири остига тушиб қолишларини

назарий ва амалий жиҳатдан ўрганганимизда бевосита қуйидаги омиллар сабаб бўлаётганлигини бевосита кузатишимиз мумкин.

- худудий фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз хизмат вазифаларига сикдикидилдан ёндашмасликлари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини амалга оширмасликлари;

- ота-оналарнинг назоратсизлиги:

- муаммоли оилалар;

- интернетдан самарасиз фойдаланишнинг зарарли оқибатлари;

- ташқи миграция.

- таълим даргоҳларида сифатсиз таълим берилиши;

- спиртли ичимликларга ружу қўйишлик;

- наркотик ва психотроп моддалар таъсири остига тушиб қолиш;

- оммавий маданият;

- ёшлар тарбиясига бевосита маъсул бўлган ташкилотларнинг бепарволиги;

- ижтимоий тармоқларда маънавий ва маърифий тарғибот тадбирларини олиб борувчи диний маърифий канал ва гуруҳлар томонидан кенг ёшлар аудиториясини жалб қила олмаслик;

- расмий диний соҳа вакилларининг ёшлар орасида етарли обрўга эга эмасликлари ҳамда диний тушунчаларни тўлиқ етказиб бера олмасликлари;

- ижтимоий тармоқлар орқали фаолият кўрсатувчи ақидапараст шахсларнинг тарғибот ишларини олиб боришларини чекланмаганлиги яъни, уларга тақиқлар қўйилмаганлиги каби бир қанча сабабларни кўрсатиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади[9].

Шу сабабли юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ёшларни экстремистик ва террористик ташкилотлар ҳамда оқимларнинг таъсири остига тушиб қолишларини олдини олиш юзасидан қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлади:

фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштириш, маҳаллаларда яшовчи ёшларнинг қандай фаолият билан шуғулланаётганлигини аниқлаш юзасидан рўйхатларини шакллантириш;

ёшларда экстремистик ва террористик ғояларга ҳамда бузғунчи таъсирларга қарши тўғри ва хушёр муносабатни шакллантириш;

ёшларнинг замонавий билимларини ошириш, уларда воқеа-ҳодисаларга мослашиш, тушкунликка тушмаслик малакасини шакллантириш;

ижтимоий тармоқлар орқали жамият ва давлат манфаатларига мос келувчи маълумотларни фуқароларимиз томонидан қабул қилишларида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишлик;

ёшларимиз орасида тез оммалашиб бораётган ижтимоий тармоқлар орқали ислом динининг соф тушунчаларининг тарғиботини кучайтириш чоратадбирларини амалга ошириш лозим;

ёшларимиз орасида экстремистик ва террористик ғоялар тарқалишининг кўринишига қарши курашишни эмас балки, ғояларнинг тарқалишига қарши курашишни самарадорлигини кучайтириш.

2021 йилда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида ёшлар онгига таъсир этаётган деструктив ғояларнинг таъсири, асосан, қайси манбалардан бўлаётганлигини билиш мақсадида берилган саволга респондентларнинг 85 %и «Интернет», 12 %и кўчадаги танишлар, 3 %и аτροφдагилар деб жавоб берганликларининг ўзиёқ бугунги кунда ёшлар онгига таъсир этаётган деструктив ғоялар асосан, Интернет орқали кириб келаётганлиги, бугунги кун ёшлари орасида Интернетнинг ўрни сезиларли тарзда ортиб борган бўлиб, ёшлар унга асосан, хурсандчилик, вақтичоғлик қилиш ва янги инсонлар билан танишиш, ҳам фикрлар топиш учун кираётганликлари сабабли уларни деструктив ғоялар таъсирига тушиб қолишларини минималлаштириш мақсадида асосий эътиборни ушбу йўналишдаги ишларни мустаҳкамлашга қаратишни бугунги куннинг муҳим вазифаси десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрь кунидаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- жисмоний тарбия ва спорт бўйича органлар;
- маданият органлари;
- меҳнат органлари;
- прокуратура органлари;
- ички ишлар органлари;
- адлия органлари;
- муҳофаза ишлари бўйича органлар.

Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларни турли хил кўринишдаги деструктив кучлар томонидан экстремистик ва террористик оқимлар ва ташкилотлар сафига адашиб кириб қолишларини олдини олиш мақсадида ҳамкорликда иш олиб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларнинг экстремистик ва террористик оқим ва ташкилотлар таъсири остига тушиб қолишларини олдини олиш юзасидан дунёнинг ривожланган давлатларининг тажрибаларини ўрганганимизда бевосита қуйидагиларга гувоҳ бўламиз. Яъни, бугунги кунда АҚШда 6000 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ёшларни деструктив ғоялардан асраш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишликлари, АҚШ ҳукумати томонидан ягона формула ишлаб чиқилганлиги, давлат бюджети орқали ННТлар молиялаштирилиши ва мана шу формула асосида маънавий тарғибот ишлари амалга оширилиб борилиши, миссионерлик, экстремистик ғояларнинг олдини олиш мақсадида фуқаро 14 ёшга тўлгунига қадар ҳеч қандай чет тиллари

Ўқитилмаслиги ва фақатгина АҚШ буюк давлат эканлиги, дунёга гегемон эканлиги, ўз байроғи ва ўз ғоялари билан фахрланиш ҳиссини мустаҳкамлаш ва америкача мафкура бутун дунёда ҳукмрон бўлиши ҳақида уқтириб келинишини мисол қилиб келтирсак бўлади[10].

Интернет икки тарафлама – ҳам яхшиликка, ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин. Ёшларнинг вазифаси унинг имкониятларини яхшиликка хизмат қилдириб, ёмонлигидан эҳтиёт бўлиш чораларини кўриш, ёшлар онгини чалғитиш учун ката курашлар кечаётган глобаллашув даврида юксак маънавият, одоб-ахлоқ масаласига эътиборни кучайтиришнинг долзарблиги, ёшларни эътибордан четда қолдирмаслик лозимлиги, виртуал оламда бузғунчи кучлар тарғиб этаётган ғаразли даъватлар таъсирига қарши курашда юксак диний-миллий қадриятлар – диёнат, поклик, ҳалоллик, одамийлик, ҳаё ва иффат каби фазилатларнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирги вақтда ёшлар орасида экстремизм ва терроризм иллатининг тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг олдини олиш ҳамда ёшларнинг уларнинг таъсири остига тушиб қолишларини бартараф этиш нақадар долзарб вазифа эканини кўрсатади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам ушбу масала юзасидан: “Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда” деб айтиб ўтган эдилар[11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январь кундаги ПФ-60-сонли 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси”нинг 82-мақсадида бевосита қуйидагилар кўрсатиб ўтилган.

- экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш;

- fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta'minlashga imkon beradigan ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashiш b'uyicha samarali davlat siyosatini amalga oshirish;

- ekstremizm va terrorizmni keltirib chikaruvchi omillarning oldini olishga qaratilgan preventiv mexanizmlarni takomillashtirish, ijtimoiy-ma'naviy muhitni yaxshilash, et'foylar ta'sirini oldini olish va ularning ta'siriga tuшиб qolganlar bilan tizimli ishlash orqali ularning muammolarini bartaraf etish;

- a'holi, ayniqsa et'sh avlodda terrorizm va ekstremizm mafkurasiga qarshi qat'iy va barqaror immunitetini shakllantirish;

- ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashiшning xalqaro-huquqiy asoslarini takomillashtirish hamda xoriжий davlatlar, mintaqaviy va xalqaro tashkilotlar bilan ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashiш soxasidagi hamkorlikning shartnomaviy-huquqiy asoslarini kengaytirish;

- diplomatik vakolatxonalar va konsullik muassasalari, Tashqi mehnat migratsiya agentligi, shuningdek, чет elga uzoq vaqtga ketaytgan hamda yashab kelaytgan fuqarolar bilan shugullanuvchi bosqa idoralarning kadrlar salohiyati va resurslarini mustahkamlash;

- xoriжий davlatlar va xalqaro tashkilotlar bilan ekstremizm, terrorizm va ularni mo'laylashtirishga qarshi kurash soxasida axborot hamda tajriba almashtirish;

- faoliyati ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashiшga qaratilgan xalqaro va mintaqaviy tashkilotlarda faol ishtirok etish;

- ekstremizm b'uyicha hamkorlikdagi sa'y-harakatlarни birgalikdagi harakatlar rejasi doirasida muvofiqlashtirish;

- markaziy Osiyoda ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashiш b'uyicha birgalikdagi ishlar doirasida axborot almashtirish va hamkorlikni

ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш;

- дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш;

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, бугунги кунда давлатимиз рахбари Ш.М.Мирзиёев томонларидан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлмиш, ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиб келинаётганлиги, бугунги долзарб замонда ёшларимизни чуқур ўйланган ғоявий мафкура билан суғориб, уларни турли хил кўринишдаги деструктив кучлар таъсири остига тушиб қолишларини олдини олишлик, ёшларда ватанпарварлик, адолат, халоллик, мардлик хислатларини шакллантириш бугунги даврнинг талабидир.

Ёшлар орасида интернет технологиялари орқали радикализм ҳамда ақидапарастлик руҳидаги ғоялар тарқалишининг олдини олиш мақсадида қонунчиликдаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартиришлик таклиф этилади: Жумладан, радикализм ва ақидапарастлик ғоялари таъсири остига тушиб қолиб, интернет тармоқлари орқали бошқаларга ҳам радикализм ва ақидапарастлик ғоялари йўғрилган материалларни тарқатган ёшларга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари амалга оширилиши жараёнида эҳтиёт чораси сифатида қамоқ жазоси тайинлашликни қабътий белгилаб қўйишлик ҳамда ёшлар иттифоқи томонидан радикализм ва ақидапарастлик ғояларини интернет технологиялари орқали тарқатган ёшларни кафилликка олиш фаолиятини танқидий кўриб чиқиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этган ёшларга нисбатан жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтларини қўлламаслик каби бир қатор таклифларни киритамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. РАХИМХЎЖАЕВ, Р. (2021). ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ. ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ, 2(3), 71-76.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги “Экстремизмга қарши курашиш тугрисида”ги қонуни. 3-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши курашиш тугрисида”ги қонуни. 2-модда.
4. Ашуров, О. (2023). вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини такомиллаштириш!. *Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук*, 3(Special Issue), 128-132.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2021 йилдаги 2 (49) - сон Ахборотномаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь кундаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сузлаган нуткидан. www.uz.uz. (мурожаат вақти: 16.04.2022)
7. Якубов, Х. Ш. (2023). ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 25(2), 38-44.
8. Ашуров, О., & Искандаров, Н. (2024). Жазони ижро этиш муассасалари тезкор бўлинмалари ва худудий ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 2(1 Part 2), 217-221.
9. Каршиев, А. М. (2023). НОРМАТИВНО-ПРАВОВАЯ РЕГЛАМЕНТАЦИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОМПЬЮТЕРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМ В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 25(1), 77-82.
10. Sheribbayevich, Y. X., & Zafar o'g'li, Z. B. (2023). TERRORISTIK VA EKSTREMISTIK TASHKIOTLAR HAMDA OQIMLARINING AXBOROT TECHNOLOGIYALARIDAN FOYDALANGAN HOLDA OLIV BORAYOTGAN TARG 'IBOT FAOLIYATINING SALBIY OQIBATLARI. Лучшие интеллектуальные исследования, 11(5), 162-171.
11. Каршиев, А. М. (2023). К ВОПРОСУ О ПОНЯТИИ «ОПЕРАТИВНАЯ КОМБИНАЦИЯ». ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 25(1), 68-71.